

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги
Қўқон давлат педагогика институти

5141600 – бошланғич таълим ва спорт
тарбиявий иш йўналиши
IV босқич талабаси

Турдалиева Саиданинг

Педагогика фанидан ёзган

Битирув малакавий иши
Мавзу: Кичик мактаб ўқувчилари шахсини
ривожланишида миллий халқ ўйинларидан
фойдаланиш йўллари

Илмий рахбар:

Абдуқодиров Р.

I боб. Инсон шахсини тарбиялашда миллий халқ ўйинлари педагогик муаммо сифатида

1. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари шахсини ривожланишида миллий халқ ўйинларини роли (ДТС талаблари асосида).

Ўзбекистон Республикаси мустакил давлат сифатида ривожланиш ва тараккиёт йўлига чиқди. Ўзбекистон келажаги ҳозирги ёш авлодни қандай тарбиялашга кўп жihatдан боғлиқ. Республикамизда бошлангич таълим, умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи босқичи I-IV синфлар шаклида ташкил этилади. Бошлангич таълимнинг максaди ҳар бир болада мавжуд бўлган иқтидорлик, лаёқат ва қобилиятларни, сезгирлик ва қизиқишларни эркин ривожлантириш, ижобий ҳулкий дунёқараш, қабул қилиш қаби сифатларни, миллий ва фуқаролик бурчи ва ҳис-туйғусини ўстиришдан иборат. Бошлангич таълимнинг вазифаларидан бири бола фаолиятини уюштиришда ўқитувчининг педагогик маҳорати, илмий-методик лаёқати, ҳар томонлама етуклиги, юксак ахлоқийлиги, болаларнинг эса ёши, қучи, эҳтиёжи, тайёрлиги, имқонияти ва муҳити қаби ҳаётий омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Боланинг толиқиши ва зўриқишига йўл қўймайдиган усулларни топиш, машғулотлар мазмунига ўйин воситаларини қенгрок сингдириш, ҳар бир сабоқ болаларнинг қоғлигини, рухий, маънавий ва жисмоний томондан муҳофаза этиш учун ҳизмат қилишга эришиш зарурлиги, бошлангич таълим ёш авлоднинг гўзал, одобли, сезгир, зийрак, зукко, фаросатли, онгли ва интизомли, юксак маданиятли, миллий гурур эгаси қилиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, байналминаллик, фуқаролик бурчини ҳис этишдек зарур сифатларни ўстириш лозимлиги ҳақида фикр юритилган.

Бошлангич таълимда Давлат стандарти талаби асосида дарсликлар хажмини ихчамлаб, зарур бўлса қисмларга бўлиб, рангдор расмли, болаларбоп қилиб чоп этиш, назарий асосланган матнлар, ўйинлар воситалари билан боғланиши, дидактик талабларни ўзида акс эттирган бўлиши лозим. Унда халқ педагогикасининг дурдоналари, ҳикматлари, халқ оғзаки ижодининг энг яхши намуналари: эртак, маколлар, топишмоқлар, кўшиқлар, термалар, ўзбек халқ ўйинлари, лапарлар ўрин олмоғи керак.

Бошлангич синф ўқувчилари асосан тасаввур қилиши орқали фикр юритадилар. Шунинг учун ҳам улар кўпинча ўйнаш, жисмоний ҳаракат қилишга интиладилар. Шу сабабли янги дастур асосида ўтказиладиган дарсларимизда ўйин машғулоти тез-тез ўтказилиб туради. Чунки, ёш болага берилаётган билимни ўйинлар орқали сингдирсак, улар учун қуруқ қоғозда ёдлаш ва узлуксиз машқ ишлатаверишдан қизиқроқ туюлади. Бунда тўғри танланган ташкилий ўйинлар дарсда ҳар бир ўқувчининг ҳар томонлама имкониятларини беради, маданий ҳордиқ чиқаради.

Ўйин бола ҳаётида муҳим ўрин тутади. Мен Кўкон шаҳридаги 37-ўрта умумтаълим мактабида педагогик амалиёт даврида шунинг гувоҳи бўлдимки, ўйин орқали болалар тежарак-атроф, турли предметлар ҳақида билимга эга бўладилар. Шу тўғрисида таълим жараёнини ўйин шаклидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш кўзланган мақсадларга эришиш имкониятини беради.

Ўйин тарбиявий аҳамиятга ҳам эга, чунки бу жараёндаги ўқувчилар ўзаро муносабатга киришадилар, натижада уларнинг ҳулқ-атвори, муомила маданиятида ижобий сифатлар шаклланади ва таркиб топади.

Ўйин. Бу тушунча остида олам жахон маъно бор. У болаларнинг доимий йўлдоши, кувноклик, хушчакчаклик каби ижобий хис-туйгуларининг битмас-туганмас манбаидир.

Лекин, ўйин болалар учун факат эрмак деб каралмаслиги керак. Болалар ҳаётида ўйиннинг вазифаси бир мунча кенгдир. Ота-боболаримиз, буюк алломалар ва машхур педагоглар болалар ўйинига ёш авлод таълим-тарбиясида жуда муҳим роль ўйновчи восита деб караганлар.

Инсон боласи ҳар қандай яхши ривожланган ҳайвон боласидан шу билан фарқ қиладики, у жуда ёшликдан бошлаб атрофга диққат билан назар ташлайди, ранглар жилосини кўради, товушлар симфониясини тинглайди. У атрофдаги нарсаларнинг хилма-хиллигидан ҳайратланади, улар ҳақида ўйлайди, катталарга саволлар билан мурожаат этади ёки ўша саволга ўзи жавоб излайди.

Боланинг кувнок, хушчакчак яшаши ва мазмунли ҳаёт кечириши учун нима керак? Қандай қилса боладаги турли-туман хис-туйгуларни барвақт уйғотиш, фикрининг ривожланишига туртки бериш, нутқини ўстириш, саводхонлигини ошириш, унинг борлигини ёқимли, жозибали ва мазмунли қилиш мумкин? Жавоб битта: **ЎЙИН!**

Мустиқил Ўзбекистонимизнинг истиклоли туфайли, бошқа соҳаларда бўлганидек, бошланғич таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Буни биз бошланғич синфлар фаолиятига миллий урф-одатлар, анъаналарнинг дадил кириб келаётгани, барча дарсларнинг давлат тилида ўтиляётгани каби мисолларда кўришимиз мумкин. Энг қувончлиси ўзбек халқ миллий ўйинларининг мактаб дастурларидан кенг ўрин олишидир.

Халқ ўйинлари халқ ижодининг ўзига хос тури бўлиб, кўп асрлик тарихга эга. Ҳар бир халқнинг ўз миллий ўйинлари мавжуд.

Улар ўша халкнинг маданияти, урф-одатлари, ижоди, меҳнат фаолияти асосида вужудга келади. Шунингдек, ўзбек халк миллий ўйинлари халкимизнинг буюк мероси сифатида кадим замондан бугунги кунгача сакланиб ва сайкалланиб келмокда.

Маълумки, кадимда ўзбек халк ўйинлари катта сайилларда, оммавий тамоилларда кенг қўлланилган. Ўзбек халк миллий ўйинларининг тузилиши, мазмуни турлича бўлиб, улар халкимизнинг моддий, маиший ва маънавий тарихини ўргатишда муҳим манбаалардан бири ҳисобланади.

Бобокалонларимиз Махмуд Кошгарий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Сино асарларида ҳам болалар ижодкорлиги, фольклор ўйинларига тааллуқли маълумотлар жуда кўп учрайди. Жумладан, «Девану-лугатит турк» китобида ўйинларнинг тур ва йўналишлари ҳақида кизикарли маълумотлар келтирилган.

Ўзбек педагогикаси тарихи равнакига катта улуш қўшган истеъдодли мураббий, шоир, забардаст олим ва мохир таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий (1809-1870) «Таъвизул-ошикин» девонида ўзбек миллий ўйинлари: чавандоз, от устида кураш тушиш, от устида қиличбозлик, чавгон, ёғоч от, чиллак, сопкон, камондан отиш бўйича мерганлик, шатранж, карда, дорбоз, пойга, варрак, ёғоч хукка, масхарабозлик, тош кўтариш, пачок ўйини, ошиқ ўйини, тўп ўйини ва бошқалар тўғрисида маълумотлар бериб, бу ўйинларнинг қоидаларини бирма-бир изоҳлайди. Огаҳий «Кураш» шеърисида халк миллий спорт ўйинларидан бўлган курашни жуда яхши баён этади.

*Бири – бирига зўр изҳор айлаб,
Йикорга не аллақим бор айлаб.
Буюн олиб барига кўргузиб шўр*

*Бири чангак солиб, изхор этиб зўр,
Мадад чун бирига тамъ етурди,
Кўтариб бирни андок ерга урди.*

Огахий фикрича, кураш билан шугулланиш болаларни катъий интизомга одатлантиради, у кучига ишонч хосил килиш билан бирга, уларнинг жисмоний ва аклий камолотига ижобий таъсир килади. У «Пойга таърифиди» асарида пойгага тиббий ва жисмоний тарбия нуктаи-назаридан баҳо беради. «Отда елиш болалигида гавдасини тутолмасликка мубтало бўлган кишиларни аклининг сусайишидан, юрак хуружларидан халос этади ва жисмонан бакувват килади, уни орзу-умид билан яшашга, интилишга ундайди», - дейди.

Болалар ўйинининг яна бир фойдалиси чавгон ўйини бўлиб, у болаларни жангга ўргатиб, тоблаб, чиниктириб, жисмоний кучкуватини ошириб боради. Бу ҳақда у шундай ёзади:

*Чикиб майдон аро то кую-чавгон ўйинни кўринг,
Агар мушкул десанг мушкул, ва гар осон десанг осон ...*

Сўз ва кўшикли ўйинлар эса болаларнинг нутқини ўстириш билан биргаликда, уларни чечанликка ўргатадиган тарбия воситаси эканлигини тушунтиради.

Шу тарзда Огахий ўзбек миллий ўйинлари болаларни зийракликка ўргатишда, жисмонан бакувват бўлиб ўсишда муҳим тарбия воситаси эканини ёрқин ифодалаб берган. Хуллас, қадимда миллий ўйинларимиз буюк алломаларимиз ва мутахассисларимизнинг асарлари орқали бизга ҳам етиб келди.

Мустакил ўлка ёшларининг ҳар томонлама камол топган шахс килиб тарбиялашда жисмоний тарбиянинг, қолаверса, миллий жисмоний тарбия усулларининг аҳамияти жуда катта. Ўлкамиз тарихига назар ташласак, қадим замонларда миллий спорт, ҳаракатли ўйин ва кўнғил очишлардан ота-боболаримиз, она-момоларимиз байрамларда, сайилларда кенг фойдаланишган. Наврўз, ҳосил байрамлари, Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайит ва бошқа байрамларда улоқ чопиш, қураш, кўпкари қаби хилма-хил ўйинлар, кўнғил очишлар ўтказилган.

Миллий жисмоний машқлар спорт ва ҳаракатли ўйинларнинг хилма-хиллиги, улардан ўқув-тарбия жараёнининг жуда кўп соҳаларида қўллаш имконини беради. Қўқон шаҳридаги 37-ўрта умумтаълим мактабининг 1 «В» синфида педагогик амалиёт даврида шуни ўрганиб олдимики, қуни узайтирилган гуруҳларда ҳар хил ҳаракатли ўйинлар уюштириш, махсус гуруҳларда кизикарли ва бажарилиши осон бўлган машқлар ташкил этиш ўқувчилар ҳаракат сифатларини тўғри шакллантиришга катта ёрдам берар экан.

Хулоса килиб айтганда, ўзбек халқининг ўзига ҳос миллий урф-одатлари, ажойиб анъаналари бўлган. Ҳаттоки, ёшларнинг барқамол шаклланишлари учун халқимиз қадим-қадимдан жиддий эътибор бериб келган. Ўша даврданок миллий халқ ўйинлари кенг ривожланган. Бу ўйинлар ёш авлоднинг жисмонан бақувват ва соғлом бўлиб улғайишида жуда қўл келган.

Ўзбек халқ миллий ўйинларининг анчагина қисми бевосита ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, улар болаларни чакқон, эпчил, зийрак, топқир, қучли ва соғлом бўлиб ўсишларига имқон беради.

Миллий ўйинлар болаларни ҳаётга тайёрлайди, қийинчиликларни енгишга ўргатади. Жисмоний тайёргарлиги пухта

бўлган, чиниккан ёшларимиз келажакда мустакил элимизни кўриклаш ва умуман хизмат бурчларини бажаришда кийналмайди. Хуллас, ўтмиш ўйинларини ўрганса, ўргатса арзийдиган томонлари жуда кўп. Улар устида иш олиб боришимиз муҳимдир.

2. Миллий халк ўйинларининг тарихи ва ҳозирги кунда инсон шахсини тарбиялашдаги ўрни.

Ўзбек халк ўйинларини ҳозирги кунда ҳам инсон шахсини тарбиялашдаги ўрни бекиёсдир. Ўзбек халк ўйинлари ўзининг турли ёш, жинс, шаҳар ва қишлоққа мўлжалланган кенг қамровлилиги билан ажралиб туради. Бирок, бу жиҳатларнинг қам ёритилганлиги ва қам ўрганилганлиги сабабли ўзбек халк ўйинларига ҳар томонлама тасниф бериш ўта мушкул. Шунга қарамайдан, уларни назоратдан ўтказиш ва ўрганиш ўйинларни шартли равишда қуйидагидек турларга бўлиб чиқиш имкониятини беради:

- 1) турли ёшдагилар ўйинлари (гўдақлик, болалик, ўспиринлик ва х.казолар);
- 2) турли жинсдаги одамлар ўйинлари (ўғил болалар, қиз болалар, эркаклар ва аёллар);
- 3) мавсумий ўйинлар (бахорги, ёзги, қушги, қишки);
- 4) турли ифода воситаларидан фойдаланишга асосланган ўйинлар (сўз, қуй, қўшиқ, рақс, пантомима, сюжетли, сахна, турли хусусиятли ва хоказолар).

Сунгги тур ўйин турли ифода ва ситаталардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Масалан, сўз, қўшиқ, рақс, ҳаракат, сахна томошалари, шунингдек, қилич, қалтак, тошчалар, ёнғокчалар қабил оддий нарсалар асосий ифода ўхшашлиги ёки нарсалар ўйиннинг ҳарактерини, шаклини, мазмунини ва ролини белгилайди. Дейлик,

ўйинда асосий восита сўз бўлса, сўз ўйини, агар ҳаракат, тезлик, кураш бўлса, бу ҳаракат – мусобақа ўйини бўлади. Агарда ўйинда сюжет, бадиий тимсол воситасида муайян ҳаётий ҳодиса ўз аксини топса, бу сахна ўйини, асар асосий роль кўшиқ журналистика берилса, бу кўшиқ ўйини ёки журналистикадаги кўшиқ ўйини бўлади.

У ёки бу воситадан фойдаланишга асосланган ўйинлар соф ҳолда учрамайди, бошқа ўйинлар ёки туркумлар билан чатишиб кетади. Зеро, уларда турли ёшдаги, жинсдаги одамлар турли фаслларда ўйнайдилар. Шу боис бир туркумда нишонланадиган ўйинлар бошқасида такрорланиши мумкин.

Турли ёшдаги одамлар гуруҳига мосланган ва ҳаётнинг маълум босқичида ўйналадиган ўйинлар авлоддан-авлодга ўтиб келган. Ёши ўтинкираб қолгунча одамлар бамисоли халқ ўйинлари «мактаб»ини ўтган, бунда ҳар бир синфда у ёки бу ёшга тегишли ўйинлардан фойдаланганлар. Ҳар бир ёш хусусияти ўйинларнинг моҳияти ва мазмунини белгилаган. Масалан, ёш болалар ўртасида ўйинчоқ ва қўғирчоқлар билан боғлиқ ўйинлар, оралик ёшдаги болалар ўртасида – сюжетли таклид ўйинлари кенг тарқалган. «Ҳакалам-ҳакалам», «Келин-куёв», «Қувлашмачоқ» каби ўйинлар бугунги кунда ҳам болалар томонидан севиб ўйналади.

Ўйинлар болалар ва ёшларга нима беради?

Ўйин болаларнинг, хусусан, 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг асосий машғулоти ҳисобланади, кейинчалик ўқиш ва меҳнатга алмашади. Ўйинлар болалар учун ҳаётга, келажакдаги воқеа-ҳодисаларга ўзига хос тайёргарлик мактаби ҳисобланади. Улар болаларни нафакат жисман, балки аклан стириб, онгини бойитади, болалар ҳаёлотини уйғотади, хотирасини чархлаб, иродани мустаҳкамлайди. Ўйинлар жараёнида бола деярли билимларни

эгаллайди, шахс камолотидаги зарур малакани оширади. Ўйинлар келажакдаги катта ҳаёт бўсагасидаги тайёргарлик бўлиб хизмат қилган. «Агар бола ўйинни виждонан ўйнаса, ҳаётда ҳам виждонан яшайди» деб бежиз айтишмайди-да. Хуллас, ўйинлар болаларда ижодий фаоллик, ташаббус, жамоатчилик, ташкилотчилик ўқуви ва малакасини ривожлантиришнинг самарали воситасидир.

Ўйинлар инсон ҳаётида шундай аҳамият касб этадики, уларга қараб инсон шахсияти, характери манфаатлари, кизиқишлари, қобилиятлари ҳақида фикр юритиш мумкин. Ўзбеклар фарзандларида болалигиданок баҳодирлик, ҳарбийлик, жанговарлик малакаларини шакллантирганлар.

Халқ достони «Алпомиш»даги севимли бош қаҳрамон Ҳакимбек ҳақидаги сатрлар шундан далолат беради. Демак, ўйинлар инсон шахсини камол топтиришда асосий восита ҳисобланади. Ўйин бола учун биринчи мактаб. Боболар ва бувиларнинг каттиққўл ота-оналарга «Болаларнинг ўйинига ҳалакит берманглар!» деб танбех беришлари бежиз эмасда. Миллий ўйинларимизда тез ҳаракатли ва ақлий ўйинлар мавжуд. Масалан, «Кес-кес» ва «Олиб қочар» ўйинларини қараб чиқайлик.

Кес-кес ўйини. Бу ўйинда тўрт кадам катталиқдаги доира қизилади. Доира марказида онабоши туради. Доира четида эса барча ўйинчилар турадилар. Улар доирадан кесиб ўтиб доиранинг нариги четига чиқишга ҳаракат қиладилар. Онабоши эса югуриб ўйинчиларга қўл текизади. Қўл теккан ўйинчи ўйиндан чиқади. Доирани қўп кесиб ўтган ва қўл теккизмаган ўйинчи қолиб чиқади. Бу ўйин болалардан қатъийликни, тез югуришни, доирани кесиб ўтишни талаб этади ва ўзига ишончни тарбиялайди.

Ўтмиш халк ўйинларини оммалаштириш борасида ҳам кийинчиликлар оз эмас, албатта. Лекин, бу борада анча хайрли ишлар амалга оширилмокда. Хуллас, ўтмиш ўйинларини тарихини ўрганиб, ҳозирги кунги давр талабига асосан инсон шахсини шаклланишида ўйинларни ўргатиш катта аҳамиятга эгадир.

Хар бир халкнинг ўтган авлодлари яратиб, бизга мерос бўлиб қолган маданий бойликлари ҳазинасига халк ўйинлари ҳам қиради. Халк ўйинлари ўзининг вужудга келиши ва ривожланишига кўра ғайриоддий ҳодиса эмас, балки халкнинг ҳаётини образли, муайян акс эттирадиган ва ҷамият тараккиётининг қонунлари билан белгиланадиган мақсадга мувофиқ фаолиятдир.

Халк ўйинлари халк ижодиётининг ўзига хос жанри бўлиб, кўп асрлик тарихга эга. Уларда ҷамият ривожланишининг у ёки бу босқичига хос ижтимоий воқеалар аниқ акс этади. Хар бир тарихий давр олами бадий ўзлаштириш учун ўз ҳиссасини қўшади: санъат ижтимоий ҳаётнинг кўп қирралари ҳодисаларини тўлиқроқ ва яққолроқ акс эттиришга интилиб, фан, маданият, сиёсат, ахлоқ ва иқтисодиётнинг ютуқларини қандайдир тарзда умумлаштиради. Ҷамият тараккиётининг илк қоналарида халк ўйинларидан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш унумли меҳнат билан боғлиқ бўлган. Халк ўйинларининг мазмуни ва характери ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларидан ва таркиб топаётган элатларнинг психик хусусиятларидан келиб чиққан. Халк ўйинлари характерига тарбия системасининг йўналиши, унумли, унинг мафқураси, турмуш анъаналарига таъсири катта.

Тарихий тараккиёт жараёнида халк ўйинларининг тадрижий ривожланишининг ва мана шу ўйинлардан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда халк

Ўйинларининг ҳар бир халиги хос жихатларни назарда тутиш керак. Ўйинлар халқ томонидан яратилган ва кишиларнинг кундалик ҳаётидаги воқеалар ҳамда ҳодисаларни образли акс эттириб, уларнинг ҳаётий таассуротларини, кузатишларини, тажриба ва ҳиссиётларини гавдалантириб, ўзида сўз, мусика, рақс шаклларини мужассамлаштирган. Масалан, ибтидоий тузумда болаларни тарбиялашнинг характерли жихати уларни уругнинг урф-одатлари, анъаналари, тарихи билан, шунингдек, халқ огзаки ижоди, ривоятлар, кўшиқлар ва рақслар билан таништиришдан иборат бўлган.

Ибтидоий жамиятда ёшларни катталар сафига кўшиш деб аталадиган байрам – диний маросимлар кенг тарқалган. Булар ўзига хос ўйин – мусобакалардан иборат бўлиб, уларнинг мазмунини меҳнат фаолияти, қабилаларнинг урф-одатлари халқ огзаки ижодини ташкил қилган. Мана шундай ўйин-мусобакаларда йигитлар қуроллардан фойдалана олишлари лозим бўлган. Ибтидоий одамларнинг ёввойи ҳайвонларни овлашлари ва уларни ўзларига бўйсундиришга интилишлари ов воқеаларини ижод қилишга ва намоёиш этишга сабаб бўлди. Ишлаб чиқариш қучларининг тобора ривожланиши, меҳнат қуролларининг такомиллашуви ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичларида болаларнинг ана шу меҳнат қуролларидан оддий турмуш ва унумли меҳнатда илгаридек фойдалана олмаслигига сабаб бўлган. Шу туфайли болалар ўйинчоғига ўхшаган меҳнат қуроллари ясала бошланган. Болалар ўйинининг воситаси – ўйинчоклар ана шу тарика вужудга келган бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ибтидоий жамоа тузumi даврида ўйиннинг ривожланиши фақат «диний дабдаба» эмас, балки атрофдаги воқеликни англаш, унинг образга кўра ва табиатга ўхшатиб ижод қилишни ўрганиш истаги ҳал бўлди.

Хар бир халкнинг ўз миллий ўйинлари мавжуд бўлиб, улар халк анъаналари, миллатларнинг маданияти ва турмушига хос хусусиятлар заминида вужудга келган.

Халк ўйинлари халк маънавий маданиятининг кўринишларидан биридир. Уларда этник тарихга бориб такаладиган анъаналар, ижтимоий муносабатлар, мафкура-эътикоднинг айрим элементлари, ахлокий эстетик меъёрлар акс этади. Халк ўйинлари мамлакатнинг миллий хусусиятларини, катта ёшли кишиларнинг феъл-атворини, одатларини, меҳнат жараёнларини, жугрофий шароитларни ифодалайди. Шунга кўра, ўзбек халк ўйинларини халкнинг ахлокий-эстетик тарихини, маданиятини, бошқа халklar билан алоқаларини ўрганишнинг манбааларидан бири сифатида қараб чиқиш лозим. Ўзбек халк ўйинлари тарихини ўрганишда халк маънавий маданиятининг ривожланиш боскичларини ёритиш жуда муҳим аҳамиятга моликдир.

Ўзбек халк ўйинлари ўзбек халқи ижодининг маҳсули бўлиб, уларни кенг халк оммаси яратган ва сақлаб келган. Ўйинлар ўзбек халқининг кўп авлодлари турмуши ва ижтимоий ҳаётининг зарур элементи сифатида асрлар бўйи мавжуд бўлиб келди ва ривожланишнинг ҳар бир тарихий боскичида турли ижтимоий вазифаларни бажарди. Ўзбек халк ўйинлари тарихнинг ижодий кучини, моддий ва маънавий бойликларини ўзида мужассамлаштиради, уларда атрофдаги воқеликни билиш ва ўзлаштиришнинг тарихий тажрибаси акс этади.

Ўзбек халк ўйинлари ўз табиатига кўра амалийдир. Уларда халк бадиий маданиятининг ўзига хослиги, унинг миллий хусусиятлари яққол куринади. Мазкур ўйинларнинг миллий характери замирида халкнинг маданий бойлиги, катта мероси мавжуддир. Кўп ўйинлар

мазмунининг мавзулари кабилаларнинг урф-одатларини, кадимий удумларнинг, меҳнат фаолияти ёки маданиятини ёритиши мумкин.

Халкнинг унутилаёзган илтижолари, байтлари ва саноклари болаларнинг халк ўйинларидагина давом этиб келади. Гурух бўлиб ўйналадиган ўзбек халк ўйинлари ва айрим спорт ўйинлари кадимий кабилаларнинг ўйинларига бориб такалади. Ўзбек халк ўйинлари кадим замонларда, бизнинг эрамизгача бўлган даврларда вужудга келган.

Ўзбек халк ўйинлари халк ижодий фаолиятининг бир туридир. Уларни меҳнаткаш халк яратди ва кенг халк оммаси давом эттирди. Хозирга қадар ўзбек халки унинг тантаналарини катта халк томошалари – сайиллар билан нишонлайди. Илгари сайиллар диний саналар билан боглик бўлган. Диний байрамлардан ташқари, аҳоли орасида оммавий томошалар, сайиллар ўтказиш одат бўлган. Мана шу байрамларда халкнинг ҳаёти, унинг ҳаётни севиши, меҳрибонлиги, кувноклиги намоён бўлган.

Сайиллар вақтида «Оломон пойга», «Киз кувиш», «Кураш», «Агдариш», «Кўпқари», «Дўппи ташлар» каби мусобака ўйинлари, спорт ўйинлари ва кўнгилочар ўйинлар ўтказишган.

Ўзбекистонда кадимдан дехконларнинг меҳнат жараёнига боглик тантаналар – «Хосил байрами», «Ковун сайли» ва хоказолар мавжуд. Ана шулардан «Ковун пишдими?», «Ковок танлаш» каби ўзбек халк ўйинлари юзага келган.

«Оломон пойга» ўйини. Бунда бир гурух чавандозлар отни чоптириб боратуриб, кизлар иргитган ҳар хил рангли рўмолчаларни илиб олишлари ва ўз эгаларига келтириб беришлари лозим бўлган. Шу бахонада ҳар бир йигит ўзининг чакконлиги, довюраклиги ва жасоратлилигини кўрсатган.

«Аздарииш» ўйини. Бу кадимий спорт ўйини жангчилар орасида кенг таркалган: икки отлик йигит бир-бирини отдан йикитиб тушуришга ҳаракат қиладиган мана шу ўйинда, албатта, довюрақ, кучли ва тадбиркор иштирокчи голиб чиққан. Беллашувда ўзи минган отни бошқариш маҳорати ҳам катта аҳамиятга эга бўлган.

«Улок». Энг мураккаб ва кизикарли бу ўйин X-XI асрлардаёқ маълум бўлиб, катта байрамлар ва тўйларда ўтказилган. Тўй бошланиши олдидан бир гуруҳ йигитлар белгиланган жойга тўпланишган. У ерга сўйилган эчкининг танаси ташлаб қўйилган. Йигитлар баъзан бир неча ўн кишидан иборат бўлиб, уларнинг ҳаммаси эчки танасини ердан қўтариб олишга ва атрофдагиларга бериб қўймай, маррагача олиб боришга ҳаракат қилганлар. Бунда чаккон, жасур, иродали, кийин вазиятда довдираб қолмайдиган йигитларгина улукни маррагача олиб борган.

«Пойга». Бу ўйин чавандозларнинг узокка от чоптириш бўйича мусобакасидир. Ана шу мусобака пайтида кариндошларнинг бир-бирига ёрдамлашиши ўйин иштирокчисининг отини камчи билан уриши, хай-хайлаши, ҳатто отнинг жиловидан тортиши ҳам мумкин бўлган. Бу мусобакада эпчил, иродали, ҳушёр йигитлар галабага эришганлар. Халқ орасида кучли одамлар жуда ҳурмат қилинган, атрофдагилар уларга ҳавас билан қараган, таҳсинлар айтган. Шунинг учун белини боғлаб кураш тушадиган полвонлар халқ шодиёналари ва анжуманларининг ардокли меҳмони бўлган. Ўзаро қуч синашиладиган ўйин, яъни кураш тушиш узок даврлардан ҳозиргача ўзбекларнинг севимли машғулоти ва томошаси ҳисобланади.

Ўзбек миллий кураши ҳар бир байрам ва ҳар бир оммавий йигитларда албатта ташкил қилинган. Уруш вақтида қарама-қарши икки томон ўз қўшинларидаги энг кучли полвонларни сарфлаб жангга

солган. Улар эса килич, ўк-ёй, найзалар билан жанг килишган. Бордию барча куроллар ишдан чикса, полвонлар ўз куроллари, яъни мушглашиш билан ўз кучларини кўрсатишган. Ана шу жангда ракибини енгган полвоннинг тарафи бўлган кўшин голиб ҳисобланган. Ҳозирги ўзбекларнинг янада кадимги авлодларида кураш анъанавий одатлардан бири бўлган. Бинобарин, ҳозирги кураш тушиш жуда кадим замонларда вужудга келган, куч, чакконлик, чидамлилиқ, жасоратни кўрсатиш бўйича ўтказилган мусобакалар курашнинг тарихий манбалари ҳисобланади. Кураш тушишнинг тафсилоти Захириддин Мухаммад Бобурнинг асарларида берилган.

Халқ ўзининг полвонлари тўғрисида ривоятлар тўкиган. Айтишларича, VI-VII асрларда Хоразмда яшаган Пахлавон Махмуд хинд полвони билан бир неча кунга чўзилган олишувда голиб чиккан ва бунинг эвазига унинг асирликдаги ўн минг нафар юртдошлари озод қилинган.

Ўзбек халқи ўйинлари орасида айникса, дорбоз ва симвозлик санъати алоҳида ажралиб турилган. Илгари дор кенг машхур бўлган. Оммавий ва маҳаллий байрамлар, мавсумий бозорлар дорбозликсиз ўтмаган, дейиши мумкин. Регистонда, бозор майдонларида, Чорсуларда дорлар кўрилган. Карнай-сурнай ва ногораларнинг каттик садолари томошаларнинг бошланишидан дарак бериб турган. Одамлар тўплангач, ўйинлар бошланган. Томошабинлар баланд қилиб тортилган аркон устида ўйнаётган дорбознинг дадил ҳаракатларини хаяжон билан кузатишган.

Бир вақтлар Ўзбекистонда ёғочоёқ ўйини кенг тарқалган. Ёғочоёқ югуриб, сакраб, раксга тушиб ва миллий чолғу асбобларида, карнай-сурнай ва хоказоларда куйлар ижро этиб, ажойиб томошалар кўрсатган.

Ўзбек халкида хайвонлар ва кушлар хакидаги жуда кизикарли ракслар – «Каптар ўйини», «Чагалак», «Юмронкозик», «От ўйини» ва хоказолар. Шунингдек, ўзбеклар орасида «Карнайли-сурнайли», «Нина, ип, тугунча», «Ковок экиш», «Хўроз ва товук», «Коч болам, куш келди», «Ок теракми кўк терак?» каби ўйинлар ҳам машхур бўлган. Ўзбек халк ўйинлари жуда кадим замонларда вужудга келган. Анъаналар, одатлар, шу жумладан, халк ўйинлари ўзбеклар хаёти билан боглик бўлиб, авлоддан-авлодга мерос тарикасида ўтиб келган.

Болалар жамият ривожланиш боскичида катталар ўйинларини ўйнаганлар. Ўзбек халк ўйинларида халкнинг ижтимоий хаёти ўзига хос шаклларда акс этган.

Ўзбек халк ўйинларини мазмунига кўра куйидагича таснифлаш мумкин:

- **Драммалашган ўйинлар:**

- а) Хаётий (тарихий-хаётий, маданий-хаётий, касбкорлик-хаётий);
- б) Кулгили ўйинлар;
- в) кўшик ва ракс ўйинлар.

- **Мазмунли-ролли ўйинлар:**

- а) мазмунли – харакатли;
- б) спорт - ўйинлари;

- **Ижодий ўйинлар.**

Ўзбек халк ўйинларининг тарихан вужудга келишини тахлил килиб, драммалашган ўйинлар ўзбек кугирчок театрининг негизига айланган кадимий халкнинг «Кўгирчок ўйнатиш» санъати асосида пайдо бўлган, дея хулоса чикардик.

Муайян бадий образни ифодаляйдиган кўгирчок мамлакат ва кишилар хаётидаги тарихий турмуш воқеаларини акс эттиради. Маданий-маиший ўзгаришларни, одамларнинг амалга оширган

ишларини, гўзаллиги ва камчиликларини ифодалайди. Харакатли, спорт мусобакаси ўйинлари ўқувчиларнинг ҳаракат фаоллигига асосланади ва уларнинг мушакларини, ҳаракат аъзоларини ривожлантиради.

Ижодий ўйинларга қуйидагилар қиради:

- ўқувчиларнинг ўзлари ўзбек халқ эртаклари ва афсоналари асосида яратадиган ўйинлар.

Халқ ўйинлари ҳаётий воқеаларга мурожаат этиб, уларни нихоятда хилма-хил, ўзининг бойлиги билан бадиий образда ифодаланади. Ҳозирги шароитда ўзбек халқ ўйинлари бошқача тус олди. Асосан, уларнинг мақсади ўзгарди, мазмуни янгиланди ва вариантлари пайдо бўлди. Масалан, «Улок» ўйини мураккаб ва ўзбек халқининг гоят қизиқарли ўйинидир. Ҳозирги пайтда бу ўйиннинг мазмуни ўзгарган. Ўйинчилар икки гуруҳга бўлиниб, 6-8 метрли айлана чизигининг ташқарисида турадилар. Бошқарувчи доира ўртасида туриб ўйинни бошқаришга ишора қилади ва тўпни ташлайди. Ўйинчиларнинг ҳаммаси уни биринчи бўлиб олишга ҳаракат қилади. Тўпни бошқа ўйинчининг қўлидан тортиб олиб, доирадан ташқарига қочишга рухсат этилади.

Педагогик нуқтаи-назардан мактабларда ўқувчиларга фақат қадимий халқ ўйинларининг эмас, балки ҳозирги босқичда вужудга келган ўйинларнинг хусусиятларини ҳам кўрсатиш яхши натижа беради.

Шаклан миллий ва мазмунан замонавий ўзбек халқ ўйинлари ёш авлодни тарбиялаш, қамол топтиришда тобора таъсирчан омилга айланиб бормокда. Ўзбек халқ ўйинларининг вазифасини назарда тутиб, улардан янги инсонни шакллантиришнинг муҳим воситаси сифатида фойдаланилмокда.

Хулоса.

Хозирги шароитда ўзбек халқ ўйинларининг асосий вазифаси ўз мазмуни ва методикаси билан болаларни жамиятимиз талабларига мувофиқ йўсинда тарбиялашни таъминлаш, уларда ахлокий, иродавий сифатларни ривожлантириш, ижодкор ва бунёдкорларга хос билим, кўникма ҳамда малакаларни шакллантиришдан иборатдир. Қадимий тарбия тизимидаги ўйинлардан шахсни шакллантириш воситаси сифатида кенг фойдаланилган. Жуда узок даврлар мукаддам педагогик фикр намоёндаси ўйиннинг тарбиявий имкониятларини гоят зийраклик билан фахмлашган. Болаларни ёш хусусиятини ҳисобга олиб, уларга мос ўйинларни танлаш масаласи кўйилган, болани ўзининг ёшига муваффақ ишлар ва турли ўйинлар билан машғул қилиш зарур деб топилган.

Кузатишлардан аёнки, атрофдаги воқеликёркин, кишиларнинг хатти-ҳаракати, ўзаро муносабатлари ва фаолияти жихатдан тушунарли бўлсагина ўйинни юзага келтиради. Атроф-муҳитдаги барча мураккабликни аввало бола ўйинда бартараф этади. Болалар ўйинининг моҳияти муайян ролни бажаришдан иборатдир.

Ўзбек халқ ўйинларидан фойдаланиш муваффақиятли бўлиши учун ўйин боланинг ўз фаолияти эканин, ундаги ташаббускорликни ва мустақилликни саклаш ҳамда рағбатлантириш зарурлигини ҳисобга олиш керак.

Ўзбек халқ ўйинларини ўрганиш тарбия жараёнини узлуксиз янгилайди, ўқувчиларда ҳаётий вазиятларни яхши англаш қобилиятини ривожлантиради. Биз ўзбек халқ ўйинларига жамиятнинг бутун маънавий маданияти билан таркибли биргаликда болаларни тарбиялашнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида қараймиз.

Ўзбек халк ўйинларининг тарбиявий аҳамияти хақида гап борар экан, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, улар энг аввало болаларда ўз кишлоғига, шаҳрига, табиатга, мамлакатимизда яшовчи барча халкларга мухаббат руҳида тарбиялайди. Энг муҳими ўзбек халқининг миллий маданияти, ўтмишдаги ва ҳозирги турмушига, миллий анъаналари ҳамда санъатига мухаббат уйғотади. Шунингдек, ўқувчиларни ҳалолликка, саховатлиликка ўргатади, катталарнинг тажрибасини болалар ва ёшларга етказишнинг воситаси сифатида хизмат қилади. Ўғил ва қизларда меҳнатга онгли муносабатни шакллантиради. Уларнинг қучли, чаккон, серҳаракат, зийрак, топқир, ўзаро ҳамкор бўлишларига ёрдам беради.

II БОБ.

1. Дарслар жараёнида кичик мактаб ўқувчилари шахсини ривожлантиришда халқ ўйинларидан фойдаланишнинг йўллари ва усуллари.

Бола мактабга киргач, унинг ҳаётида янги босқич бошланади, яъни боланинг ўсишида жуда катта ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Янги мактаб ҳаётининг бошланишига боглик қувонч ва мамнунлик ҳислари болага ўқитувчи томонидан синф ва мактабдаги ҳатти-ҳаракат қоидалари, ўртоқлар билан муносабати бўйича қўйилган талабаларни бажаришда ёрдам беради.

Ўйин индивидуал психологик хусусиятлар комплекси билан боглик ва шулардан келиб чиққан. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни ўйин жараёнидан индивидуаллаштириш мазкур муаммони ҳал қилишнинг мажбурий омилidir.

Ўқувчиларни юксак савияда тарбиялаш учун зарур энг муҳим психологик-педагогик омиллар:

- ўқувчилар ўйиннинг моҳиятини унинг боскичлари ва натижаларини тўлиқ тушуниб олиши;
- навбатдаги ўйин фаолиятига ижобий муносабат;
- ўйин учун зарур билимлар, кўникма ва малакаларни сафарбар этиш;
- ўйингача, ўйин жараёнида ва ундан кейин ҳам ўқитувчининг ҳамма талабларини бажариш.

Ўйиннинг энг муҳим психологик сирини шундаки, уни албатта кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муҳим кизиқишлари асосида ва уларни қаноатлантириш мақсади билан ташкил этиш лозим. Бинобарин, ўйинда мазкур ўқувчиларнинг ўзлари муаллиф ва ижрочи ҳисобланади, яъни уларнинг ўзлари ижод қиладилар ва ишлайдилар.

Ўйин болалик ва ўсмирликнинг кўп қисми мобайнида етакчи фаолият бўлиб қолади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўзларига тавсия этилган ўйинлар орқали болаларни Ватанга муҳаббати, қаҳрамонлиги, меҳнатга ижтимоий муносабати, ўзаро ёрдами, бошқаларга ғамхўрлиги асосини ташкил этадиган энг муҳим ахлоқий нормаларини билиб олади. Шунинг учун мазкур муаммони ҳал қилишнинг энг маъқул психологик-педагогик шартини қуйидагилардан иборатдир:

- долзарб мазмунига эга бўлган, муайян мақсадга қаратилган ҳар қил мавзудаги ўзбек халқ ўйинлари комплексини танлаш;
- ўйин фаолиятига ҳиссий тайёроллаш ва ҳамдардлик қилиш;
- педагогика кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларини ўзбек халқ ўйинларига қизиқтира олиши, уларда қатнашишининг ажойиб натижаларини тушунтира билиши;

- ўзбек халқ ўйинларига рахбарлик мазмуни, шакл ва методларининг бирлиги;
- ўйин жараёнининг ҳаётийлиги ва амалийлиги;
- ўқувчининг мазмунини аста-секин мураккаблаштириш.

Ўзбек халқ ўйинлари воситасида тарбиялаш самарадорлигини оширишнинг зарур шарти педагогнинг бу жараёни маҳорат билан бошқаришдир. Ўқитувчининг ўзбек халқ ўйинларига педагогик рахбарликни амалга оширишдаги вазифаси қуйидагилардан иборатдир:

- ўйиннинг мавзусини билдириши;
- ўқувчиларнинг ўйин нишонлари ва гоёсига муносабатини фаоллаштириш;
- ўйинни ўтказиш ва унга қўйилган тарбиявий вазифаларнинг ҳал қилинишини ифодаловчи натижаларини яқунлаш;
- ўқувчиларнинг ўйин вақтидаги ҳатти-ҳаракатларини, ўзаро муносабатларини баҳолаш.

Ўзбек халқ ўйинларига рахбарликнинг педагогик томони.
Ўқитувчидан кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёш ва ўзига ҳос психологик хусусиятлари таҳлил қилишни; тарбиянинг муайян мақсадлари, вазифаларини қўйишни ҳамда қисмларга ажратишнинг кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни тарбиялашнинг энг тўғри шакллари, методлари ҳамда воситаларини аниқлашни талаб қилади.

Биз педагогик амалиёт давомида 1 «В» синфда ўтказилган тажрибада қуйидагиларни аниқладик:

- 1) Ўқитувчининг ўзбек халқ ўйинларини ташкил этиш ва тайёрлашни, ўзбек халқ ўйинларини кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда олиб бориладиган тарбиявий ишларни режалаштириш системасига

киритиш, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўйиндан манфаатдорликни вужудга келтириш;

2) Ролларни таксимлаш;

3) Ўзбек халқ ўйинларига қай йўсинда раҳбарлик қилишни аниқлаш;

4) Ўйинда ўқитувчининг ўзи ҳам қатнашиши;

5) Ўйиннинг натижаларини албатта яқунлаш ва таҳлил қилиш.

Халқ ўйинларига педагогик раҳбарлик анчагина билимларни, зийракликни, педагогик маҳоратни ҳамда умумий психология ва ёш авлод тарбиясининг турли йўналишларига доир ўзбек халқ ўйинларини тўғри танлашни талаб қилади.

Ўқитувчи ўйиннинг мазмуни муҳимлигини ҳисобга олиб, тарбиявий мақсадлар ҳамда вазифаларга боғлиқ ҳолда педагогик таъсир кўрсатишни қандай ўйинлардан бошлашни, уларнинг педагогик мақсадларга мувофиқлиги ҳақида пухта ўйлаши лозим. Ўқувчиларни тарбиялашда халқ ўйинларини танлаш ва болаларга тавсия қилиш керак деб ўйлайман. Ўйинларни танлашга энг аввало тарбиявий вазифалари назарда тутилади. Агар ўйиннинг мазмуни етарли даражада изчил ёритилмаса, у ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотиши мумкин.

Танланган ўйин болаларга мос бўлиши, унинг мазмуни жуда мураккаб ёки ҳаддан ташқари содда бўлмаслиги керак. Танланган ўзбек халқ ўйинлари кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг билиш эҳтиёжларини қондирган эътиқодлар ва ижтимоий фаолликни тарбиялаш учун асос сифатида хизмат қиладиган бўлиши керак. Ўйинларни танлашда қуйидаги педагогик талаблар ҳисобга олиниши керак:

- ўйин мазмуни ва ана шу ўйин жараёнининг ҳаётийлиги ҳамда амалийлиги;

- ўйин гоёсининг тушунарлилиги;
- ўйин мазмунининг соддалиги;
- тажриба ва боғланиш бўйича яқинлиги;
- ўқувчилардан юкори даражада фаол фикрлашни ва тафаккур фаолиятини талаб қилишлиги;
- ўйин жараёнида тарбиянинг мақсад ва вазифаларида кўрсатилган томонлари намоён бўлиши учун хақиқий вазият вужудга қилиши.

Шуни таъкидлаш керакки, I-II-III синфлардаги ўқувчиларга тавсия этиладиган ўйинларни кескин фарклаш, ажратиш осон эмас. Чунки битта ўйинда барча ўқувчилар қатнашиши мумкин. Шу билан бирга ўзбек халқ ўйинларини синфлар бўйича тахлили қуйидагича:

I синф:

«Элчига қувиб ет», «Буюкфуруш», «Улок», «Оломон пойга», «Пойга», «Оқ теракми. Кўк терак», «Қоч болам, қуш қелди», «Қовок пишдимми?», «Чўпон», «От ўйин», «Ўз шахрингни топ», «Хиндулар», «Дўстлик қотаси».

II синф:

«Чавандоз», «Қураш», «Минора қурувчилар», «Оқсок бўри ва қўйлар», «Ботир эчки», «Чўпон ва эчкилар», «Безак тўқиш», «Ўйноқи туя», «Бақа билан лайлак», «Ўз жуфтингни топ», «Бизнинг шаҳарлар», «Байроқни қўриқлаш», «Африқага саёхат».

III синф:

«Дорбозлар», «От устида қураш», «Қосил байрами», «Қуллақ байрами», «Богбон ва қуллақ», «Ўртоқларимизга совғалар», «Олтин тарвуз», «Бахс», «Қалъани қамал қилиш», «Қушёр сокқи», «Қосилни йиқиш», «Фестивалда».

Мана шу ўйинлар мазмунининг тафсилотлари ёш авлодни тарбиялаш манфаатларига нисбатда мосдир. Ўзбек халқ ўйинлари муайян тизим сифатида халқ ўйинларининг турли вазифаларини ўз ичига олади, уларни ўзаро боғлайди, бу ҳол уларнинг тарбиявий имкониятини анча кенгайтиради.

Ўзбек халқ ўйинларининг характерли хусусиятларини ажратиш, ўйин фаолияти жараёнида шаклланидиган муайян тушунча ва тасаввурларни аниқлаш, тарбиянинг бошқа шакл ва воситаларига боғлиқ ҳолда ўйинларни педагогик мақсадга мувофиқ равишда бошқасини ташкил этиш, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни ҳар томонлама камол топишни ва шаклланишнинг самарадорлиги ўзбек халқ ўйинларининг тўғри ташкил этилиши ва ўтказилишига ҳам боғлиқдир.

2. Ўзбек халқ ўйинларини ўқув жараёнлари, маънавий соатларида қўллаш тажрибасидан.

Педагогик жараёнда тарбиявий вазифаларни амалга ошириш тарбия жараёнининг мақсад, вазифа, мазмун ва методларининг, шунингдек, ташкилий шакллари билинчи таъминлашни талаб қилади.

Ҳозирги шароитда халқ ўйинларининг вазифаларидан бири уларнинг ўз мазмуни ва методикаси билан ўқувчи шахсини ҳар томонлама тарбиялаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни ўзбек халқ ўйинлари жараёнида тарбиялаш муаммоларини ҳал қилишни ташкил этиш ва тайёрлаш босқичлари қуйидагича белгиланиши мумкин: Ўқитувчининг ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказишга назарий-методик

тайёргарлиги шундан иборат бўлмоги керакки, ўйинда катнашувчиларга ўқитувчи ўйинни кўрсатиб бажармоги лозим.

Барча ёки айрим болалар уларни такрорласин, токи болалар ўйин коидаларини яхши ўзлаштираётганликларига мураббий амин бўлсин.

Тўғри танланган ўйинлар дарсда, дарсдан ташқари пайтда ҳар бир ўқувчининг саводхонлигини, сўзларни тўғри талаффуз қилишини, нутқ ўстириш имкониятларини беради. Бошлангич синфларда миллий халқ ўйинларини ўтказиш, аввало ўқитувчига боғлиқ. Ўқитувчи ижодкор, ишига масъулиятли, энг асосийси ташаббускор бўлиши керак. Чунки таълим-тарбия жараёнида ва синфдан ташқари вақтларда ҳам асосан ўқитувчи ўйинларни ташкил этади.

Миллий халқ ўйинларини синфдан ташқари вақтларда ўргатишда, ўқитувчининг ўзи аввало ўйиннинг мазмуни ва ўтказиш усулини яхши ўзлаштириб оломоги лозим.

3. Бошлангич синфларда синфдан ташқари вақтларда миллий халқ ўйинларини ўргатиш тажрибасидан.

Халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти бебаҳо, шу боисдан ҳам мураббийлар ўқув-тарбиявий жараёнда, синфдан ташқари вақтларда улардан фойдалана билишлари лозим.

1. *Ўйинчининг ёши.* Болалар учун энг осон ўйин танланади, унга янги коидалар ва қўшимчалар киритиш ҳисобига мураккаблаштириб борилади. Ўйинни, албатта, мураббий иштирокида жўр бўлиб, қўшиқ айтиш билан бошлаш керак. Болалар ўз ҳаракатларини назорат қила олишлари кийин бўлади. Шунинг учун катталар намуна бўлмоклари даркор.

2. *Ўйин ўтказадиган жой.* Ўйин залда, кенг бўлакда, очик хавода ўтказилиши мумкин. Ўйинчилар биринчи ўринда, ўйинларнинг конун-қоидаларига сўзсиз бўйсунishiлари керак.

3. *Ўйин иштирокчиларининг миқдори.*

Ўйинни бирданига бутун синф ёки гуруҳ билан ўтказиш шарт эмас, айниқса, хона унча кенг бўлмаганда миттивойларни гуруҳларга бўлиш мумкин: ўгил болалар ва киз болаларга, кучлиларга, кучсизларга. Ўйинда иштирок этиш ҳар бир бола учун кизик бўлмоғи лозим.

4. *Ўйин учун жиҳозларнинг бўлиши.* Кўпгина ўйинлар учун жиҳозлар: тўплар, сакрамачоклар, байроқчалар ва хоказолар. Улар олдиндан етарли миқдорда тайёрлаб қўйилмоғи даркор.

Ўқитувчи болаларга ўйин қоидаларини тушунтиради. У шундай жойда туриши керакки, ҳамма уни, у эса ҳаммани кўра олсин. Яхшиси болалар билан доира-доира ҳосил қилиб турсин. Мураббий қиска ва тушунарли қилиб тушунтирсин. Буни у айрим қисмларини ёки бутун ҳолда кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Сехргарлик ёки турмуш воқеаларини акс эттирувчи кўшиқ ва рақс ўйинлари – ўзбек халқининг миллий оғзаки, театр ва мусика анъаналарини ифодаладиган фольклорларга асосланади.

Тажриба давомида ўқувчиларнинг кизиқишларини фаоллаштиришнинг мана шу усули педагогик-психологик жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини кўрсатди ва буни қузатишлар, суҳбатлар, савол-жавоблар ҳам тасдиқлайди.

Маънавий дарсларида ўқувчилар ўйинларга қуйидагича тайёрланади. Уларга ўйинларда муваффақиятли қатнашиш учун эстетик йўлланма тавсия қилинади.

Тавсиялар:

I-синф.

1. Ўйинлар учун зарур билимингни бойит;
2. Ўқитувчининг тушунтиришини диққат билан тингла;
3. Ўйин қоидаларини аниқ бажар;
4. Халол ва шахдам ўйна;
5. Қийин пайтларда дўстингга ёрдам бер;
6. Синф, жамоа шарафи учун кураш.

II-синфларда

1. Ўйин фаолиятида иштирок этиш учун чуқур билимларни эгалла;
2. Ўйиннинг мазмуни ва қоидасини эсда сақла;
3. Ўйин қоидасини бузма ва буни ўртоқларингга ҳам тушунтир;
4. Ўйин пайтида фаол ва интизомли бўл;
5. Қийин аҳволда қолган ўртоқларингга ёрдам бер.

III-синфларда

1. Ўз олдингга қўйилган вазифаларни эсда сақла;
2. Ўйин пайтида эътиборли бўл;
3. Халол, шахдам, ташаббускорлик ва ижодкорлик билан ўйна;
4. Қийин дақиқаларда ўзингни йўқотиб қўйма;
5. Кескин ҳаракат қил ва галабага эриш.

IV-синфларда

1. Ўйин раҳбарининг кўрсатмаларини сўзсиз бажар;
2. Ўз гуруҳингни шарафини сақла;
3. Оғир аҳволга тушиб қолган ўртоқларингга ёрдамлаш;

4. Ўйинда муваффақиятли ҳаракат килиш учун зарур билимларни ўзлаштир;
5. Ўйин қоидаларига қатъий амал қил ва бошқалар.

Байналминал ва эстетик тарбияни амалга оширишдаги ўзбек халқ ўйинларини танлаш педагогикада уларга раҳбарлик қилишнинг дастлабки омили ҳисобланади.

Кичик ёшли ўқувчиларнинг кизиқиши қучлироқ эканлигини ҳисобга олиб, шундай ўйинларни танлаш керакки, уларнинг мазмуни ўқувчиларда қуйидаги ахлокий, эстетик тушунча ва тасаввурларни ҳосил қилсин.

- Сенинг Ватанинг! Нима учун уни севасан? Ўз Ватанинг учун қандай ишлар қилдинг?
- Ватан ва уни муҳофаа қилиш;
- Хаётигда табиат, унинг муҳофазаси учун нима қилдинг?
- Ер юзи халқларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги.

Тарбия амалиётида қуйидаги халқ ўйинлари энг катта аҳамият қасб этади:

- Ҳаракатли, масофали, ажратилган жой билан чекланган тургун ўйинлар;
- Жуфт, гуруҳ ва жамоа ўйинлари;
- Спорт йўсинидаги ва ҳарбий спорт ўйинлари;
- Ижодий, шу жумладан, болалар ўйлаб топган ўйинлар.
- Мазмунли-ролли: драммалашган, эртак, кўшиқ ва ракс ўйинлари.

Мазмунили-ролли ўйинларга муфассалроқ тўхталиб утамиз:

Драммалашган ўйинлар:

Улар учун ўзбек халқ эртак ва афсоналари асос қилиб олинган. Ўйиннинг вазифаси эртак ва афсоналарни ижро этишдан иборат. Ўйиннинг қоидалари ўйин ҳаракатлари ривожининг изчиллигини

белгилайди. Куйи синф ўқувчилари ролни ижро этишда турли воқеаларни ифодалаб, ватанпарварлик билим ва кўникмаларини мустахкамлайдилар.

Кулгили ўйинлар:

Характер ва феъл атворни зийраклик билан очиб ташлашга, кишилардаги салбий сифатлар устидан кулишга асосланган. Бу ўйинлар узбек халқи маданиятини акс эттиради. Уларда аскиячилик катта ўрин тутди.

Эртак ШИЙинлар: Халқнинг афсоналарига асосланади.

Юкоридаги ўйинларни ташкил қилишда қуйидагиларни ҳам ҳисобга олиш зарур:

- Ўқувчилар жамоасини ҳар томонлама ўрганиш. Уларнинг кизиқиши ва майилларини ҳисобга олиш ва шулардан тўла қониқиш, ўйин вақтида фойдаланишни режалаштириш;
- Ўқувчиларни ўйиннинг мақсади, вазифаси, босқичлари ва бориши ҳамда хусусиятлар билан таништириш. Болаларнинг ўйинда иштирок этиш даражасини баҳолаш ва рағбатлантириш;
- Ўқувчиларни навбатдаги ўйинга маънавий тайёрлашнинг муҳим элементлари. Ўзбек халқ ўйинларининг мақсад ва вазифаларини тушунтириш билан бирга уни ифодаловчи кинофильм, ўқувчи шахсига қандай таъсир қилишини тушунтириш, унинг умуман ўзбек халқ ўйинини, шунингдек, унинг босқичларини ҳамда қандай шароитларда ўтишини тушунтириш.

Ўқувчиларни навбатдаги ўйинга маънавий тайёрлашнинг муҳим элементлари: Ўзбек халқ ўйинининг кичик ёшли ўқувчиларнинг ўйин фаолияти, ахлокий, ватанпарварлик, ҳалоллик, софлик каби ҳислатларини шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Бунга эришиш учун ўқитувчи синф ўқувчиларининг индивидуал-психологик хусусиятларини, кизикиш ва майлларини ҳисобга олиши, болаларнинг ўйиндан тўла қониқиш ҳосил қилишлари учун барча чоралар қўриши зарур.

Ўйинни муваффақиятли ўтказиш учун унинг мақсади, вазифаси, бориши ва асосий босқичлари билан болаларни таништириш, ижобий муносабат уйғотишга ҳам боғлиқдир. Чунки болалар ўйиннинг мазмуни ва унинг натижасига кизикмас экан, ҳеч қачон уларда қувноқлик, топқирлик, чакқонлик, галабага интилиш каби ижобий ҳис-туйғулар ҳосил бўлмайди. Мусобақа мазмунига эга бўлган ўйин, ўйинларда болаларни гуруҳларга тўғри тақсимлай олиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кучли, чакқон, топқир, зийрак болалар битта гуруҳга кириб қолмаслиги лозим. Кучлар шундай тақсимлансинки, йинда гоҳ у томон, гоҳ бу томоннинг қўли баланд қелсин.

Ўзбек халқ миллий ўйинлари жараёнида болалар ўзлаштириши зарур бўлган сўз, тушунча ва тасаввурлар доирасини ҳам олдиндан белгилаб олиш зарур. Чунки миллий ўйинларимизнинг кўпчилиги болаларга янги-янги сўзлар, тушунчаларни ўзлаштириб бориш имконини беради.

Ўқитувчи эса ўйин давомида қўлланиладиган ана шу сўзларни болалар томонидан тўғри, аниқ, ифодали талаффуз қилинишини таъминлаш керак.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ўйин жуда чўзилиб қетмаслиги лозим. Акс ҳолда болалар чарчаб ёки зерикиб қолишлари мумкин. Ўқитувчи буни пайкаши ва ўйинни тўхтатиб ёки бўлмаса бошқача йўналишга буриб юбориши мумкин.

Х у л о с а.

Ўйин албатта якунланиши ва унда фаол иштирок этганлар огзаки рағбатлантирилиши лозим. Шундай килиб, ҳар бир ўйиннинг уч боскичда: тайёргарлик, ўтказиш ва якуний боскичда ташкил килиш мумкин.

Ўқитувчи болаларда турли ўйинларга, жисмоний машқларга, шунингдек, кун тартибига риоя килишга кизиқиш уйғотиш, ҳаракатли ўйинларни мустақил равишда ташкил килиш ва ўтказиш учун зарур билим ва малакалар ҳосил килиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов нуткидан. Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1-чакирик 9-сессия материаллари. 1997 йил.
2. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, 1997 йил.
3. «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури», 1997 йил.
4. Бошлангич синф ўқитувчилари учун «Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури», 1999 й, №7.
5. Т.Қурбонов. «Бошлангич таълим – шахс камолотининг пойдевори», 1999 йил.
6. У.Қорабоев. «Анъанавий халқ ижоди – тикланиш ва ривожланиш муаммолари», Т., 1991 й, 91-бет.
7. «Бошлангич таълим» журнали. 2003 йил, №3. «Миллий ўйинлар».
8. «Халқ таълими» журнали. 2000 йил, №5.
9. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти. Т., 1992 й.
10. Бошлангич синф ўқитувчилари учун қўлланма.
11. Илгор тажрибалардан.
12. Ниёзова Х. «Халқ ўйинлари ва улардан фойдаланишнинг йўллари».